

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент Архитектура Қурилиш Институти

«Архитектура» факультети

Кафедра: «Архитектура ва шаҳарсозлик»

Тушунтириш битик хати

Малакавий битирув иши мавзуси

«200 уринли Тикув цехи»

Диплом иши буйича рахбар:
Битирувчи:

Убайдуллаев Х.М.
Жураева Г.

Тошкент-2011

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистон уз халки танлаб олган йул -очик, эркин бозор иктисодиётига асосланган одил жамият, кучли демократик ҳукукий давлат қурилиш йулидан босқичма босқич олга бормоқда. Биз барпо этаётган давлат, аввало умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида тараққий этган бошқа халқлар эришган тажрибаларга ва узимизга хос миллий анъаналарга ижтимоий қадриятларга асосланмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сунг мамлакатимизда тадбирколикка кенг йул очилди. Касаначилик билан шуғулланиб, бозорларни ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан тўлдирган ва халқимизнинг эътиборини қозонаётган ишбилармонлар кун сайин купайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуганиевич Каримовнинг тадбиркорлик ва ишбилармонликни куллаб кувватлаш тугрисидаги қатор фармон ҳамда қарорлар ташаббускор изланувчанларга кенг йул очилмоқда. Ўзбекистон енгил саноат маҳсулоти, шу жумладан ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг турли мамлакатларига етказилиб берилмоқда. Миллий қаштачилигимиз, мазардузлик, матога гул босиш, безакчилик соҳаларида меҳнат қилаётган ҳамюртларимизнинг ижод маҳсуллари булган буюмлар хорижликлар томонидан юкори санъат асарлари сифатида баҳоланмоқда.

Шуни алҳида таъкидлаш жоизки ҳунармандларнинг фаолият юритишлари учун албатта барча қулайликларга эга, замонавий талабларга жавоб берадиган бино, тикувчилик цехлари зарурдир.

Президентимизнинг 2006 йил «Касаначиликни ривожлантириш тугрисида»ги фармони хайтга тадбир этилиши, тадбиркорликка кенг йул очилиши бундай кичик тикувчилик цехларини купайишига кенг йуллар очиб берилмоқда.

Тадбиркорликка куплаб кичик тикув цехлари эса, ҳозирги вақтда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарибгина қолмай, балки узларининг фаолиятларини ҳам кенгайтирмоқдалар. Мазкур тадқиқотлардан мақсад, кичик

тикув цехларини жойлаштириш учун барча кулайликларга эга булган ҳамда жахон андозаларига мос бинолар архитектурасини ишлаб чиқиш масаласидир.

Республикамизнинг купгина вилоятларидаги тикувчилик фабрикалари биноларининг архитектуравий ечимлари, яъни тархий, хоналарнинг жойлашиши, биноларнинг фасади, биноларда ишлаш ва дам олиш учун яратилган шарт-шароитлар, цехлардаги жихозлар ва уларни жойлаштириш урганилиб чиқилади. Ишчи ва ходимлар билан анкета суровномалари ҳамда суҳбатлар утказилиб, ишлаб чиқаришни янада самаралироқ юритишга тускинлик килаётган омилларни аниқлашга ҳаракат қилинади. Олиб борилаётган тадқиқотлардан шу маълумотлар аниқландики, тикувчилик корхоналари хусусий булганлиги боис, уларнинг аксарияти бу мақсадларга мослаб қурилмаган биноларда жойлашганлигидир.

Кичик шаклдаги замонавий тикув цехлари 2-3 каватдан иборат бўлиб, 100-200 ишчи уринга мулжалланган бўлади. Кийик тикув цехларида маъмурият билан ишлаб чиқариш жараёнларидаги тикув цехлари ва омборхоналар бир бирларига боғланган бўлади.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши билан енгил саноат тармоклари Янги сифат босқичига кутарилди. Республика ҳукумати қарорига қура тармоқдаги деярли ҳама корхоналар давлат тасарруфидан чиқариш дастурига қура очик турдаги акциядорлик жамиятларига ва мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантилиди.

«Ўзбек енгил саноат» давлат уюшмаси томонидан Республика енгил саноатини ривожлантиришнинг 2009-2012 йилларга мулжалланган дастури ишлаб чиқилган. Дастурда Ўзбекистонга четдан илгор технологияларни келтириш, чет эл инвесторларини жалб этиш, банк кредитларидан фойдаланиб янги замонавий корхоналар қуриш, жахон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш, экспорт имкониятларини ошириш белгиланган.

Шундай қилиб, сунгги йилларда дастлабки йирик тикувчилик фабрикаларидан фарқли равишда, кичик тикув цехлари қурила бошлади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга ҳукуватимиз жиддий эътибор бермоқда.

Мустақиллик йилларидан сўнг Енгил саноат тармоқлари янги сифат босқичига кўтарилади. Республика ҳукумати қарорига кўра тармоқдаги деярли ҳамма корхоналар давлат тасарруфидан чиқариш дастурларига кўра очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига ва мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилди. 1991 йилда республика Енгил саноати вазирлиги тугатилиб, унинг негизида мажмуада давлат бошқарувини амалга ошириладиган, Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган давлат уюшмаси- "Ўзбекенгилсаноат" ташкил қилинди(1).

Ҳозирги даврда Ўзбекистан Енгил саноати кўп тармоқли индустриал мажмуа бўлиб, унинг таркибида кўпгина тикувчилик корхоналари фаолият юритмоқда. Республика саноат маҳсулоти умумий ҳажмида Енгил саноат ҳиссаси энг катта салмоққа эга ва 2000 йилда 20% ни ташкил қилади. (1995 йилда 19%).

"Ўзбекенгилсаноат" давлат уюшмаси томонидан Республика Енгил саноатни ривожлантиришнинг 2000-2008 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилган. Дастурда Ўзбекистонга четдан илғор технологияларини келтириш, чет эл инвестициясини жалб этиш, банк кредитидан фойдаланиб, янги замонавий корхоналар қуриш, жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш, экспорт имкониятларини ошириш ва бошқалар белгиланган. Дастурга кўра 2000-2008 йилларда ип газлама тармоғида 33 та корхонани қайта жиҳозлаш, 17 корхонани кўриб битказиш, тикувчилик-трикатаж тармоғида 5 та корхонани қайта жиҳозлаш, 1 та корхонани қуриб тугаллаш мўлжалланган. Енгил саноат тармоқларидаги илмий-технологик, лойиҳалаш, консрукторлик муаммолари билан "Енгилсаноат" лойиҳа институти (Тошкент), "ТТТойи" тадқиқот институти (Марғилон ш.) ва унинг Тошкентдаги шўъбаси, Республика кийимлар моделлари уйи, Республика трикотаж маҳсулотлари моделлари уйи ва бошқалар шуғулланади.

Тармоқларидаги корхоналар учун инженер-техник кадрлар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти ва унинг шўъбалари, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент политехникуми ва вилоятлардаги коллежларда тайёрланади.(2)

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилиши муносабати билан мамлакат миллий даромади сезиларли даражада ортди. Касаначилик билан шуғулланиб, бозорларни ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан тўлдираётган ва ҳалкимизнинг эътиборини қозонаётган ишбилармонлар кун сайин кўпайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуганиевич Каримовнинг тадбиркорлик ва ишбилармонликни қўллаб-қуватлаш тўғрисидаги қатор фармонлари ҳамда қарорлари ташаббускор изланувчанларга кенг йўл очмоқда. Ўзбекистон енгил саноати маҳсулоти, шу жумладан ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг турли мамлакатларига етказиб берилмоқда. Миллий каштачилигимиз, зардўзлик, матога гул босиш, безакчилик соҳаларида меҳнат қилаётган ҳамюртларимизнинг ижод маҳсуллари бўлган буюмлар ҳорижликлар томонидан юксак санъат асари сифатида баҳоланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳунармандларнинг фаолият юритишлари учун албатта, барча қулайликларга эга, замонавий талабларга жавоб берадиган бино, тикувчилик корхоналари зарурдир. Тадбиркорларнинг кўплаб кичик тикувчилик цехларида ҳозирги вақтда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарибгина қолмай, балки ўзларининг фаолиятларини ҳам кенгайтирмоқдалар.(3).

Сўнгги йилларда дастлабки йирик тикувчилик фабрикаларидан тубдан фарқ қилувчи кичик тикувчилик корхоналари кўплаб қурила бошлади. Республикамизда кичик тикувчилик корхоналари илгари қурилмаганлиги ва улар учун маҳсус меъёрий ўлчамларнинг йўқлиги туфайли, ҳозирги вақтда бу биноларда турлича архитектуравий ечимлар ишлатил-моқда. Баъзилари Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароити ва маҳаллий ҳалкнинг урф-одатларини ҳисобга олмаган ҳолда лойиҳаланаётгани аниқланди.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида кичик тикувчилик корхоналарини ҳозирги давр талабига мос равишда лойиҳалаш лозим бўлади. Кичик тикувчилик корхоналарини айнан Ўзбекистон учун лойиҳаланаётганда маҳаллий аҳолининг урф-одатларини, иқлим шароитини

инобатга олган ҳолда, янги лойиҳа меъёрларини ишлаб чиқишимиз ва ҳаётга татбиқ этишимиз лозим. Бу муаммолардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда кичик тикувчилик корхоналарини ўзига ҳос тарзда шакллантириш ва барча қулайликларга эга бўлган, ҳамда жаҳон андозаларига мос бинолар архитектурасини ишлаб чиқиш ҳозирги вақтда долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Бинонинг бош режаси

Ушбу бинонинг архитектуравий композицион ечимиди замонавий услубда ишланган куркам бинони курсатишга, лойиҳалашга ҳаракат килдим. Бино тикувчилик цехининг ички қуриниши ҳам ўзига ҳослиги билан ажралиб турибди. Айниқса бинога керавериш яъни, вестибюл ўзининг ҳашаматлиги ва замонавий дизайн безаклари маҳорат билан ишланган. Тикувчилик цехи ошхонаси ва цехларида барча шароитлар мужассам бўлиб, ута замонавий жихозлар билан таъмирланган. Тикувчилик цехлари жуда ёруғ ва каттадир. Бу ерда табиий ва сунъий ёруғлик, шамоллатиш ускуналари етарлидир. Тикувчилик ва бичувчилик цехлари жаҳон стандарти талабларига жавоб бериш даражасида замонавий жихозлар билан жихозланган. Дазмоллаш цехида чет Эл ускуналари, кийимларга гул солиш асбоблари ҳам чет элдан келтирилган. Бинонинг биринчи каватида вестибюлдан кераверешда унғ томонида Ушбу бинога тегишли маъмурий ва маиший хоналар жойлаштирилган. Яна ходимлар учун гардероблар унга тегишли душ хоналари ҳамда санузеллар ундан ташқари 200 кишига мулжалланган ошхона ва ошхонага тегишли барча хоналар жойлашган. Ушбу каватда Яна газламалар саклайдиган омборхона ва материалларни бичишдан олдин тайерлов цехи мавжуддир. Иккинчи каватида бичув цехи, моделлаш цехи, тикув цехи тайёр маҳсулотларни дазмоллаш ва ундан кейин уларни упаковка қилиш учун хоналар жойлашгандир. Ундан ташқари бузилган асбоб – ускуналарни тузатиш учун мулжалланган хона бор. Ходимлар дам олиш жойлари жойлашган. Тикув цехининг учинчи каватида тикув цехи ҳамда дазмоллаш, упаковка қилиш ва уларни тажрибадан утқизиш учун мулжалланган хоналар жойлашган.

Дастлабки тикувчилик фабрикалари ва кичик тикувчилик цехларини архитектуравий ечимларини ўрганиш натижасида Ўзбекистон шаҳарларидаги замонавий тикувчилик корхоналари шаклланишининг асослари илк бор тадбиқ, этилди ва улар куйидагилардан иборат:

1.Тикувчилик фабрикаларининг бинолари маҳалла гузарларида бунёд этилиши, унинг ишлаб чиқарган махсулотини фабрика дўконида сотиш йўлга қўйилиши, фабрика касб-ҳунар ўргатувчи, ёш қизларни мустақил ҳаётга йўлловчи муқаддас масканга, файзли меҳнат ўчоғига айлантирилиши зарур.

2.Тикувчилик фабрикалари биноларининг архитектураси, хизмат хоналарининг жойлаштирилиши замонавий андозаларга жавоб бериши, дам олиш хонаси, тиббий хона, маънавият ва маърифат хонаси ва бошқа ёрдамчи хоналар қурилиши кўзда тутилиши, бино тарзи ўзбек халқининг турфа урф-одатлари, гўзал ва ранг-баранг либослари каби безакдор, ўзига хос бетакрор гўзалликка эга бўлиши, яъни бошқа бинолардан ажралиб туриши мақсадга мувофиқ.

3.Цехлар сунъий шамоллатиш мосламалари ва меҳнат хавфсизлигини таъминлайдиган замонавий ускуналар билан жиҳозланиши керак.

4.Тикувчилик фабрикалари бинолари турар жойларга яқин қурилганлиги сабабли унинг кам шовқин-суронли бўлиши таъминланиши, биноатрофи кўкаламзорлаштирилиши иш жойлари, омборхона каби катта миқдорда оғир юкга эга, серхаракатли қисмлари биринчи қаватга жойлаштирилиши ва ишчиларнинг ҳовлига чиқиб табиат қўнида хордиқ чиқаришлари учун шарт-шароит яратилиши лозим.

5.Маҳаллаларда истиқомат қиладиган хотин-қизларнинг катта қисми иш билан банд эмаслигини назарда тутиб, фабрикаларда қўшимча иш ўринларини яратиш, фабрикалар қошида касаначилик фаолиятини кенг ривожлантириш орқали кам таъминланган oilаларнинг вакилаларини иш билан таъминлаш орқали уларни ижтимоий муҳофазалашга эришиш, маҳалла қўмиталари ва хомийларнинг кўмагида тикув цехларини замонавий ускуналар билан жиҳозлашга эътибор қаратиш зарур.

Ушбу илмий ишнинг асосий янгилиги Ўзбекистон ҳудудининг иқлим шароитларига мос мўлжалланган кичик тикувчилик корхоналарининг янги архитектуравий ечимини ва лойиҳа меъёрларини ишлаб чиқиш ва тавсия этиш билан Ўзбекистонда замонавий кичик тикувчилик корхоналарини шакллантиришдир.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тошкент, Наманган, Фарғона ва Андижон шаҳарларидаги йирик тикувчилик фабрикалари ва кичик тикувчилик цехларининг архитектуравий ечимларини аниқлаш ишнинг амалий қийматини белгилайди. Тикувчилик корхоналарида аниқланган архитектуравий ечимлар таҳлили натижасида замонавий ҳамда миллий архитектурага эга бўлган ўзига хос услубларни қўллаш тавсия этилди ва тикувчилик корхоналари учун илмий аҳамиятга эга бўлган қурилиш меъёрлари қоидаларига киритиш имконини беради.

Ишнинг асосий натижалари замонавий кичик тикувчилик корхоналарини лойиҳалашда ва қуришда амалда қўлланилиши мумкин. Амалий илмий-тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда тикув корхоналарининг ички тузилиши билан бирга ташқи томондан кўриниши ҳам ўзига хос архитектуравий - бадиий ечимини янги лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Дастлабки ҳисобларни тикув цехлари ва участкалари майдонини маҳсулот ассортиментининг берилган ишлаб чиқариш дастуридан уни бошқарувчи ишчилар сонидан ва асосий ишлаб чиқаришдаги бир ишчига тугри келадиган юзанинг меъёридан келиб чиқиб умумлаштирилган ҳисобдан бошланади (ишлаб чиқариш оқими ва участканинг турига боғлиқ равишда).

Урта ва ката кувватли корхоналар учун аввало марказлаштирилган ҳолдаги детал булакларини ишлаб чиқаришда ҳар хил участкаларга ажратиш мақсадга мувофиқлиги аниқланади (масалан: чунтак, копкок, чунтак ҳалтаси, иситувчи катлам устки кийим деталларига котирма ёпиштириш, маҳсулотни якуний пардозлаш ва х.к.)

Ишлаб чиқариш оқимидан ташқари айрим деталларга ишлов бериш гуруҳларни ажратиш корхонанинг кувватига, маҳсулот турига ва бошқа санитар техник сабабларга боғлиқ.

Ишчи уринларининг улчамлари:

Машинали жой кенглиги 0,6-0,65м узунлиги 1,1-1,2м;
Кул меҳнати жой кенглиги 0,7-0,8м узунлиги 1,2-1,4м;
Кул меҳнати жой кенглиги 0,43м узунлиги 1,2-1,4м;
Дазмол киладиган жой кенглиги 0,6-0,65м узунлиги 1,1-1,2м.

Енгил саноатининг янги курилаётган тикувчилик корхоналари, қоидага мувофиқ, банд бўлмаган ишчи кучига эга бўлган аҳоли пунктларига жойлаштирилади. Бундай корхоналарда асосан аёллар меҳнатидан фойдаланилгани учун улар таъминланган аҳоли пунктларига жойлаштирилади. Корхоналарнинг реконструкция қилиниши ва кенгайтирилиши асосан шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг аҳоли яшайдиган ҳудудларида жойлашган корхоналарда амалга оширилади ва санитар – ҳимоя зонаси 50 м. ни ташкил этади. Бундай жойлаштиришда тикувчилик корхоналари бошқа зарарли моддалар ажратиб чиқарадиган корхоналар (цемент, химия ва ҳ.к.)нинг санитар – ҳимоя зонасига тушиб қолмаслиги лозим.

Корхоналарнинг бош режалари ҳудуднинг минимал қисмини эгаллаган ҳолда ечилади. Ҳамма ишлаб чиқариш, хўжалик, ёрдамчи хоналар ва омборхоналар қоидага кўра битта корпусга жойлаштирилади, бу корпус саноат майдони қаерда жойлашишини белгилайди.

Тикувчилик корхоналари ўз майдони бўйича унча катта бўлмаган участкаларни эгаллайди (0,5 - 2 га) ва уларнинг катта қисми шаҳар кўчаларининг кесишган жойларига жойлаштирилади ва кўча бўйи қисмига корхоналарнинг асосий фасадлари ва асосий кириш жойлари, завод олди

зонасига жойлашиши лозим бўлган ташкилотларнинг бинолари ва индивидуал транспорт воситалари тўхташ майдонларини жойлаштириш режалаштирилади. Корхона ҳудудига машиналарнинг (ҳар хил турдаги техникалар, хом ашё ва бошқалар) киритилиши иккинчи даражали кўчадан ёки юклаш – тушириш ишлари бажариладиган ҳудуд яқинига лойиҳаланади.

Корхона қурилиш майдонининг зичлиги 55% ни ташкил этади. Корхона ҳудудида дам олиш ва гимнастика машқларни бажариш учун зоналар, кичик архитектуравий шакл: гулзорлар, ахборот стендлари, фахрийлар доскаси (тахтаси), Ўзбекистон иқлим шароитида декоратив бассейнлар, соя ҳосил қилувчи айвонлар учун зоналарнинг ажратилиши кўзда тутилади.

Кичик тикувчилик корхоналарини қурилишини мукокама қилаётганда қуйидаги кўрсаткичларга аҳамият бериш керак.

- 1) Шаҳар архитектура ансамбли билан ҳамоҳанглилигига.
- 2) Шаҳар майдонларига, кўчаларига қулай жойлашиши тикувчилик корхонасигага кириб чиқиш йўллари жамоат транспортларига қулайлигига аҳамият бериш керак.

Регионал шароитларига боғлиқ равишда тикувчилик корхоналари қуйидагича қурилиши мумкин:

- тўлиқ технологик цикл билан ишлайдиган қуйидаги ҳудудларда, агар аҳоли пунктларидан манзилгача газлама андозаларини ташиши учун 200 км.дан кўп масофа босиб

ўтишга тўғри келса ва эркин меҳнат ресурсларига эга бўлган ҳудудларда.

- тўлиқсиз цикл билан ишлайдиган, фақат тикиш ишлари амалга ошириладиган филиаллар сифатида эркин меҳнат ресурсларига эга бўлган районлар (посёлкалар, кичик шаҳарлар) да.

Андоза тайёрловчи марказий ишлаб чиқариш корхонаси, бунда тўлиқсиз технологик циклли қатор филиаллар бичилган газламалар билан таъминланади ва бундай ишлаб чиқариш квалификацияли ишчи кучига эга бўлган ҳудудларда ташкил этилади. Андоза тайёрловчи марказий ишлаб чиқариш корхонаси таркибига экспериментал цехлар, марказий омборхоналар, таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатиш устахоналари, бошқарув аппарати, ҳисоблаш марказлари киради.

Ишлаб чиқариш бўлимида асосан тикув цехи, бичув цехи, дазмоллаш хоналари, экспериментал цехи, газламалар ва тайёр маҳсулотлар омбори жойлашади.

Ёрдамчи корпусда эса маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш хоналари: вестибюл, директор, бухгалтер, лаборатория ва ўқув хоналари, тиббиёт ҳудуди, ишчиларнинг шахсий гигиена хоналари, гардероб, душ хоналар ва ишчи - ходимлар учун ошхона жойлашади.

Саноат корхоналарида маданий - маиший корпус ишчиларни маданиятини оширишга, соғ - саломатлигини яхшилашга, уларни дунё- қарашига ва ишлаб чиқаришнинг


унумдорлигини оширишга қаратилган.

Маъмурий-маиший бинолар ичида санитария - маиший хоналари асосий хоналардан иборат бўлиб, ҳар кун кўпчиликка хизмат килади. Шу биноларнинг ичида ишчи-ходимлар кийим ечиш хоналари ҳам катта майдонни эгаллайди.

Маданий хизмат кўрсатиш биноларига цех ўқув хоналари, дам олиш хоналари, спорт заллар ва бошқалар киради.


Илмий - тадқиқот ишларини ривожланиши кўп корхоналарни компьютерлаштириш муносабати билан, кейинги ўн йил ичида маъмурий бинолар ва лабораторияларга катта аҳамият берилаётир.

Тикувчилик корхоналарида санитария хоналаридан гардероб, душ хоналари ҳам кулай жойлаштирилган бўлиши керак. Ушбу конун қоидаларига асосланган ҳолда пастда схемада курсатилгандек амалга мувофиқ булла олади.



**Тикувчилик корхоналарида
маъмурий-маиший хоналарининг
ташкил қилиш схемаси.**

1. Вестибюль; 2. Уй кийимлари гардероби; 3. Душхона; 4. Махсус кийимлар гардероби; 5. Ошхона; 6. Техник хона; 7. Тиббиёт ҳудуди; 8. Маъмурият; 9. Цехга ўтиш жойи.



**Гардероб-душхоналарини
ишчилар ҳаракатланиш
графи билан ташкил этиш
схемалари**

А-Зал схемаси (ёнама-ёна гардероблари билан); Б-Зал схемаси (бир-биридан ажралган гардероблари билан); 1. Уй кийимлар гардероби; 2. Махсус кийимлар гардероби; 3. Кўмакчи, санитар-техник ва бошқа хоналар; 4. Душ ва душолди хоналари. Ишчининг ҳаракати: 5. Уй кийимида (ишгача); 6. Уй кийимсиз (ишгача); 7. Махсус кийимда (ишгача); 8. Махсус кийимда (ишдан сўнг); 9. Махсус кийимсиз (ишдан сўнг); 10. Душдан сўнг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Особенности проектирования и строительства швейных фабрик в Узбекистане: ТАҚИ илмий ишлар тўп. - Тошкент 2003 й. 45-46 б.
2. Благоустройства и озеленения территории промышленных зданий: ТАҚИ илмий ишлар тўп.-Тошкент 2005 й. 6-7 б.
3. Кичик сифимли тикувчилик фабрикаларини лойиҳалаш муаммолари (Тошкент шаҳри мисолида): ТАҚИ илмий ишлар тўп. (1- қисм).Тошкент 2006 й.6-7 б.
4. Кичик тикув цехларининг шаклланиши: ТАҚИ илмий ишлар тўп.-Тошкент 2007 й. 112-113 б.
5. Узбекистонда тикув фабрикалари биноларининг замонавий шаклланиши. Ж.Узбекистан архитектураси ва қурилиш. № 1. 2008 й. 29-30 б.
6. Узбекистонда тикувчилик фабрикаларининг шаклланиши. Ж. Мозийдан садо. №3 (39).2008 й.38-42 б.
7. Архитектурный облик швейных фабрик:ТАҚИ илмий ишлар тўп.Тошкент 2008 й.

КОНСТРУКЦИЯ КИСМИ

Лойиха «Кичик тикув цехи» биноти Тошкент шаҳри учун мулжалланган бўлиб. «Кичик тикув цехи» лойихаси ер устида ишлаб чиқариш 3 қаватдан, умумий майдони _____, умумий баландлиги _____, маъмурий биноти эса 2 қаватдан, умумий майдони ҳамда умумий баландлиги _____ иборат. Кичик тикув цехлари қурилишида монолит темир бетон, енгил ва урта мустаҳкам бетон тузилмаларидан фойдаланилади. Замонавий тикув цехлари камҳажимли бўлсада саноат биноти ҳисобланади, шунинг учун Ушбу лойихада қўрилгандек у куп ҳолларда 6х6 м конструктив қадамлар ва ораликлар қўланади. Ушбу 200 уринли «кичик тикув цех» ида ишлаб чиқариш бўлими 4,2м баландлик, маъмурий-маиший бўлим 3,3м баландлик қабул қилинган. Тикув цехларидан қанснутқияларни мукаммалаштиришда уларни массасина қамайтирилозимди Бинонинг пойдеворлари - ер ости конструкциялари бўлиб, ўзидан юқорида турган конструкциялар оғирликларини қабул қилиб, грунтларга узатиб берувчи конструкциялардир. Пойдеворга юқоридан девор ва устунларнинг хусусий оғирлиги, пастдан эса заминнинг текари босими таъсир этади. Иншоот замини деганда юқоридан тушаётган юқни қабул қиладиган ҳамда шу юқ таъсирида қучланиш ва деформация ҳолатида бўладиган грунт массаси тушунилади. Замин қанча қам ва текис деформацияланса, унинг қурилиш сифатлари шунча юқори бўлади; иншоотда қўшимча қучланишлар шунча қам ҳосил бўлади. Иншоот ва грунтга мос пойдевор танлаш лойиҳалаштиришнинг муҳим масалаларидан биридир. Замин ва пойдеворларнинг бир неча вариантлари техник иқтисодий анализ қилиш йўли билан унинг ишчи вариантлари қабул қилинади. Пойдеворлар етарли даражада мустаҳкам, пухта, совуққа ва ер ости сувларининг агрессив таъсирига чидамли бўлиши керак. Пойдеворнинг тархдаги ўлчамлари шундай олиниши керакки, юқоридан тушаётган ҳисобий юқлар таъсирида пойдевор остки сиртида ҳосил бўладиган ўртача босим, грунтга бериладиган босимдан ортиб кетмасин; пойдеворнинг чўкиши нормада қўрилган даражада бўлиши керак. Ҳар қандай пойдевор лойиҳасида иккита характерли текислик бўлади, иншоот таянувчи устки сирт (устки текислик) ҳамда грунт билан туташиб турувчи остки сирт (остки текислик)

Пойдеворлар чуқурлиги, юк таъсирида ишлаш характери, конструктив шакли, материали, вазифаси ҳамда ишланиш услубига кўра бир неча турларга бўлинади. Чуқурлигига кўра саёз ва чуқур (ертўлали) пойдеворлар бўлади. Лойиҳа шаклига кўра алоҳида, яхлит лентасимон, массив, аралаш ва қозикли пойдеворлар бўлади. Иморатларнинг катта ёки кичиклигига қараб, пойдеворларга тушадиган юкнинг вазни ҳам ҳар хил бўлади. Айтиб ўтиш лозимки, пойдевор заминдаги грунтнинг физик механик хоссалари ҳам турличадир.

Шунинг учун ҳам пойдеворларнинг чуқурлиги бирдай бўлмайди. Пойдевор туби ер сиртига қанча яқин бўлса, у шунча арзон тушади, шу боисдан пойдеворларни юзароқ олишга ҳаракат қилинади. Бироқ грунтнинг юқори қатламлари кўпинча заминга қўйиладиган талабларни қондира олмайди.

Юқори қатлам грунтлари, биринчидан, ўта сиқилувчан ва кучсиз бўлади, иккинчидан, ёғин сочин ҳамда ўсимликлар таъсирида ўз хажми ва мустаҳкамлигини мунтазам ўзгартириб туради.

Пойдеворнинг рационал чуқурлигини танлаш бинонинг лойиҳасига ва вазифасига, пойдеворга бериладиган юкнинг миқдorigа, қурилиш майдончасининг геологик ва гидрогеологик шароитига, шунингдек грунтнинг музлаш чуқурлигига боғлиқдир. Ана шу шароитларни ҳисобга олиб, пойдевор

чуқурлиги бир неча вариантда ишлаб чиқилади ҳамда иқтисодий жиҳатдан энг тежамлиси қабул қилинади.

Агар грунт кўпчидиган (ҳажми кенгайдиган) бўлса, пойдевор чуқурлигини белгилашда грунтнинг музлаш ва эриш сатҳи ҳисобга олинади, чунки бундай грунтлар музлаганда кенгайди, эриганда чўкади. Пойдеворнинг туби музлаш доирасида бўлса, унга грунтнинг кенгайишидан ҳосил бўладиган босим кучи таъсир этади. Агар босим кучи пойдеворнинг грунтга берадиган босимидан катта бўлса, у ҳолда пойдевор нотекис кўтарилиши, грунт эриганда эса нотекис чўкиши мумкин. Бу ҳол пойдевор мустаҳкамлигига салбий таъсир этади. Саноат биноларининг устунлари остига қўйиладиган пойдеворларига сарф бўладиган бетон, умумий сарфланадиган бетоннинг 20-35 % ини ташкил қилади, уларни яратиш нархи эса тўлиқ бинога кетадиган қийматнинг 5 - 20 % и ни ташкил этади.

Кичик тикув цехи биноси устунларининг тагига лентасимон пойдеворлар лойиҳаланган, уларни ўлчамлари 4000 х 4000 х 1200 мм., бўлган темир-бетон блок ёстиқчаларидан қурилади. Пойдевор чуқурлиги 2000мм

Ёндош қурилган бионинг юк кўтарувчи деворлари тагига монолит лентасимон пойдеворлар, каркас устунлари тагига эса стакан туридаги йиғма устунсимон пойдеворлар лойиҳаланган. Пойдеворларнинг чуқурлиги 2500мм.дан иборат бўлиб, грунтнинг музлаш чуқурлигидан ошиб кетади, б

ҳудуддаги қурилиш учун грунтнинг музлаш чуқурлиги 70 см. ни ташкил қилади.

Бинонинг цоколи 10 см. чиқиб туради ва цоколга гидрофоб цементли раствор билан керамик плиткалар қопланади. Бу плиткалар бинога бадиий-тасвирий шакл беради. Бинонинг бутун периметри бўйича пойдеворни қор, ёмғир сувларидан сақлаш учун кенглиги 900мм, қиялиги $1 = 0,003$ бўлган отмостка қилинади.

Ташқи деворлар, ёпмалар билан биргаликда бинонинг ички бўшлиғини ҳар хил ташқи таъсирлардан сақлайди. Жамоат биноларининг ташқи девор тўсиқлари:

- мустаҳкамликка, атмосфера таъсирларига ва коррозияга қарши чидамли, агрессив вайрон қилувчи таъсирларга қаршилиқ кўрсатишга эга бўлмоғи зарур;

- иссиқлик, сув, ҳаво ва овоз изоляциялари сифатлари талабларига жавоб бериши керак.

- етарли даражада узоқ муддатга чидамли ва оловга бардошли, индустриал, ҳамда қурилишни иқтисодий эффективлигини таъминлайдиган сифатларга эга бўлиши керак.

Бундан ташқари тўсувчи девор конструкцияларига эстетик талаблар қўйилади, яъни ташқи деворларда ишлатилаётган материалларнинг қандайлиги бинонинг архитектуравий ечимларида катта аҳамиятга эгадир. Деворнинг узоқ муддатлилиги, атроф - муҳитдаги вайрон қилувчи таъсирларга қарши етарли даражада чидамли материалларнинг ишлатилиши

билан, ёки чидамлилиги кам материалларга совуққа чидамли, намгарчиликка чидамли ва коррозияга чидамли ҳимоялочи материаллар қатламларини қоплаш билан таъминланади. Девор конструкцияларининг узоқ муддатлилик даражаси фақатгина қандай материалдан бажарилганига эмас, балки ишлаб чиқариш иморатларининг намгарчилик ҳолатига ҳам боғлиқ, ташқи деворларнинг узоқ муддатлилик даражаси эса қурулиш ҳудудининг иқлимий шароитларига боғлиқ. Ўзини ўзи кўтариб турувчи деворлар фақат ўзини ҳамда шамол юкини қабул қилиб, уларни эластик ёки текис (силлиқ) боғловчилар орқали деворнинг чўкишига қаршилик кўрсатувчи каркасларга узатиб беради. Олма деворлар кўп қаватли биноларда битта қават чегарасида, бир қаватли каркасли биноларда эса битта қадам (1 та панель) чегарасида ўзини ва шамолни оғирлигини қабул қиладилар. Бу деворлар асосан тўсиш конструкциялари вазифасини бажаради, чунки улар ўзини массасини металл таянч столликлари ёки боғловчи (обвязочные) тўсинлар орқали каркасларга узатиб беради. Олма девор панеллари енгил материаллардан тайёрланганлиги учун, каркас устунларини ёрдамчи кучлантириш талаб қилинмайди. Бундай материалларга кўпинча кўп қатламли панеллар конструкциялари ва листли материаллар жавоб беради.

Деворларни грунтлар намгарчилиги ўтишидан сақлаш учун, уларнинг пастки қисмларини рулонли материаллар ёки цементли раствор билан гидроизоляцияланади.

Гидроизоляция қатлами пол сатҳидан 30 мм. пастда, деворлар билан пойдевор тўсинлари орасига қўйилади. Деворни ёгингарчилик сувларидан сақлаш учун эса отмосткалар қурилади.

Ииғма йирик ўлчамли девор элементлари заводларда тўлиқ ташқи ва ички пардозланган ҳолда тайёрланади. Деворларнинг ички сиртлари, ишлаб чиқариш технологиялари шароитларига зарур бўлган ҳоллардагина пардозланади.

Бундан ташқари бинонинг архитектуравий- бадиий таъсирини ошириш мақсадида керамзитобетон панеллар модуллари қўлланилган.

ДЕВОРЛАР ВА ПАРДЕВОРЛАР

Девор конструкцияларини танлаш, биноларни лойиҳалашда энг асосий масалалардан биридир, чунки деворларнинг қиймати, бутун бино қийматининг муҳим қисмини ташкил этади. Бинонинг мустаҳкамлиги ва устиворлиги: юklar турига, материаллар сифатига, деворларнинг бошқа конструкциялар билан боғланиш системасига, бинонинг яратилиш ва эксплуатация қилиш шарт - шароитларига боғлиқ.. Гараж минорасининг тўсиб турувчи конструкциялари сифатида юқорида қайд қилинган фахверк деворлари ишлатилган. Ёндош

қурилган бинода эса ғиштли деворлар ва йирик ўлчамли, кўп қатламли панеллар комбинацияси ишлатилади. Ғиштли деворлар қалинлиги 400 мм. бўлиб, ғиштин теримлар штукатуркалар билан сувоқ қилинади, ҳамда фасадда ишлатиладиган бўёқлар билан бўялади. Фасадни бўяш ишлари фақатгина декоратив мақсадларда эмас, балки бионинг узоқ муддатлилигини ҳам оширади, чунки ташқи ҳаво муҳити агрессив бўлганда, бўёқнинг плёнкаси девор сиртини ташқи муҳит таъсирларидан сақлайди. Йирик панелли уйсозликнинг юқори даражада индустрлаштириш имкониятлари катта бўлганлиги туфайли бинокорликнинг бу услуги сейсмик ва носейсмик районларда кенг кўламда қўлланилмоқда. Бино вазнининг енгиллиги (ғишт деворларга нисбатан 1,2 - 2 баравар енгил), девор материалининг мустаҳкамлиги, юккўтарувчи конструкцияларнинг соддалиги ва уларни планда бир меъёردа тарқалганлиги каби афзалликлари уларнинг сейсмик зоналарда жадал суръатлар билан кириб келишига кенг йўл очиб берди.

Пойдеворларнинг чуқурлиги носейсмик районлардаги каби олинади. Юк кўтарувчи деворлар остида лента пойдевор ишлаш мақсадга мувофиқдир. Пойдеворлар монолит ёки йиғма бетондан ишланиши мумкин.

Бионинг остки деворлари пойдевор ёки ертўла деворларидан чиқиб турган арматураларга маҳкамланади. Агар пойдевор йиғма бўлса, девор остига монолит темир - бетондан ёстиқ ишланади. Агар ертўла бўлмаса , йиғма бетон блоklar устига 100 мм. қалинликда ётқизилган темир бетон камар

ёрдамида бир - бирига боғланади. Камар устига ташқи ва ички деворлар ўрнатилади, чиқариб қолдирилган арматуралар кавшарланади, сўнг 200 маркали бетон билан яхлитланади. Ертўла деворлари қалинлиги 140 мм, бетон маркаси 200 бўлган панеллардан тикланади; панель четларидан чиқиб турган арматуралар уларни вертикал ва горизонтал чоклар бўйича қўшни элементларга мустаҳкам боғлаш имконини беради.

Сейсмик районларда қўлланиладиган ташқи девор панелларининг конструкцияси бир ва уч қатламли бўлиши мумкин. Бир қатламли панеллар, одатда керамзит бетон ёки енгил бетонларнинг бошқа турларидан тайёрланади. Уч қатламли панелларнинг иккита четки қатлами темир - бетондан ишланиб, ўрта қатлами минерал пахта, кўпик бетон сингари иссиқ совуқни ўтказмайдиган материаллардан тайёрланади. Уч қаватли панеллар ичкарига қараган темир - бетон қатлами юк кўтарувчи қатлам ҳисобланади. Унинг қалинлиги ҳисоб билан белгиланиб, зилзила кучи 7 - 8 балгача мўлжалланган районлар учун 8 см ва 9 балли районлар учун 10 см дан кам бўлмаслиги лозим. Ички ва ташқи қатламлар темир - бетон қовурға ёрдамида боғланади. Ички деворлар бир қатламли қилиб ишланиб, панель қалинлиги 12 см дан кам бўлмаслиги керак.

Сейсмик районларда қўлланиладиган девор панеллари фазовий каркас кўринишида ишланган қўш арматура билан кучайтирилади.

Арматураларнинг маълум бир қисми девор панелларидан ташқарига чиқиб туриши керак; бу қўшни панеллар ва ёппа

панеллар билан боғланиш учун зарурдир. Арматуралар ўзаро кавшарлангач, чоклар бетон билан тўлдирилади.

Йирик ўлчамли, кўп қатламли панеллар ушбу иншоотнинг асосан ёндош биносининг темир - бетон жойлашган қисмида ишлатилган. Уч қатламли панеллар; иссиқлик изоляцияси қатламлари (минерал пахта плиталари) билан арматураланган керамзит бетонлардан иборат. Уларнинг қалинлиги 200 мм.

Йирик панелли биноларнинг девор конструкциялари қаттиқлиги: пойдеворларнинг нотекис чўкишига ва ҳарорат чоклари орасидаги масофа қисми меъёрларининг озгина бузилишига ҳам жуда таъсирчандир.

Бинолардаги бундай дефектлар биринчи галда қаттиқ пайвандланган тугунлар жойлашган панеллар орасидаги чокларнинг ҳолатидан кўриниб туради. Пайвандланган бирикмалар, ундан ташқари девор панеллари орасидаги чокларда жойлашган бирикмалар тўлдирилади (замоноличивают). Хатто, нормал намгарчилик шароитларида бўлган юқори маркали бетон ҳам пўлатни фақат ўз қатламининг маълум қалинлигида ишончли равишда сақлайди. Шунинг учун йиғма завод элементларининг пўлат закладной деталлари ва ёрдамчи пўлат деталлари пайванд бирикмалари (накладка, скобалар) ёрдамида амалга оширилади, ҳамда коррозиядан махсус ёпмалар ёрдамида сақланган бўлиши керак.

Девор панелларининг ўлчамлари ва массаси бионинг номланишига, конструктив схемаларига ундан ташқари фасад панелларини қабул қилинган разрезка системаларига боғлиқ.

Бизнинг лойиҳада икки қаторли разрезкали система қабул қилинган.Замонавий индустриал шаҳарлар ҳавосида бўёқ беришга нисбатан агрессив аралашмалар (примеси) кўп. Ёмғир сувлари, шамол ва ҳароратнинг ўзгариши таъсирларининг қўшилмасидан бундай аралашмалар агрессивлиги бирданига кучаяди ва бўёқ узоқ муддатга етмайдиган бўлиб қолади., пгунинг учун фасадларни кўпга чидамли бўёқлар билан таъмирлаб туриш лозим. Иирик панеллар устини завод шароитида керамик плиткалар билан қопланиб пардозланади.

ПАРДЕВОРЛАР

Ушбу лойиҳаланаётган бинода йирик панелли пардеворлар ишлатилган. Бундай пардеворлар зичлиги 1399 кг/м бўлган гипс бетонлардан тайёрланган. Ташиш ва монтаж қилишда зўриқишларни қабул қилиш учун гипс бетонли пардеворлар ёғоч каркаслари билан арматураланади. Бинода ишлатилган пардеворларнинг қалинлиги 120 мм. Хамда 150 мм га тенг.Пардеворлар қуриш олдидан қуйидаги ишлар бажарилади:пардадеворнинг бўйлама ўқи, асосий деворларга туташадиган жойлари, эшик ўрни режаланади ва унинг ўлчамлари кўрсатилади;пардевор асоси қоришма қуйиб текисланади ёки антисептик воситалар шимдирилган ёғоч таглик ўрнатилади;андазалар, режа тахталар ва бошқа мосламалар ўрнатила.

Гипс бетон плитали пардеворлар бир ёки қўш деворли бўлади; қўш девор орасида 50 мм. оралиқ қолдирилади.

Пардеворнинг остки қисмини заҳдан ҳимоялаш учун бу ерга эни 280 мм келадиган рубероид ётқизилади. Режа тахта ўрнатилиб, режа ип тортилгандан кейин биринчи қатор плиталари қуруқ ўрнатилади. Сўнгра контейнер яшиқда гипс қоришма тайёрланади, ўрнатилган плиталарнинг вертикал чокларига шу қоришма тўлдирилади, бўйлама чокларга арматура жойланади, арматураларнинг учлари туташувчи деворларга бириктирилади. Навбатдаги қатор плиталари ҳам режа ипи бўйича чокларни боғлаб шу тартибда ўрнатилади. Пардеворнинг шипга туташган жойидаги оралиққа гипс қоришмасига ботирилган лос текилади. Гипс бетон плиталардан пардевор қуришда фойдаланиладиган андаза кўчма кронштейнли икки тиргақдан иборат. Кронштейнларга рейка ётқизилган. Плиткалар шу рейкага тақаб, у билан бир текисликда ўрнатилади. Андазадан фойдаланиш иш сифатини яхшилашга ва меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради.

ҚАВАТЛАРАРО ЁПМАЛАР

Қаватлараро ёпмалар ички юк кўтарувчи ва тўсиб турувчи горизонтал конструкциялар бўлиб, бинонинг баландлиги бўйича қаватларга бўлиб турадилар. Қаватлараро ёпмалар ўзининг хусусий огирлигини, вертикал тўсиб турувчи конструкцияла

юкини, ундан ташқари, интерьерда жойлашган предметлар, асбоб ускуналар, одамлар юкларини кўтариб бу юкларни бинонинг юк кўтарувчи деворига узатиб беради. Қаватлараро ёпмалар овоз изоляцияси ва иссиқлик изоляцияларини таъминлайди, ҳамда қаттиқлик ва мустаҳкамлик талабларига жавоб беради. Қаватлараро ёпмалар муҳимлиги, конструктив тузулишининг мураккаблиги ва нархига кўра бино деворлари каби муҳим ва маъсулиятли конструкция ҳисобланади. Қаватлараро ёпмалар умумий бино нархининг 20 % , сарфланган меҳнат миқдори 25% ни ташкил қилади. Қаватлараро ёпмалар жойлашиш ўрнига кўра:

а) қаватлараро ёпмалар; б) чордоқдан ажралиб турувчи ёпмалар;

в) ертўла қаватидан ажратиб турувчи ёпмаларга бўлинади.

Акустик ҳусусиятларига кўра: а) акустик бир таркибли; б) акустик кўп таркибли. Конструктив турига кўра: а) тўсинли; б) йиғма темир- бетон панеллардан қилинган; в) яхлит темир-бетон; г) тўсинсиз ёпмалар.

Статик ишига кўра ёпмалар асосан эгилишга ишлайди. Қаватлараро ёпмаларнинг эгилиш чегараси, ёпма узунлигининг $1/200 - 1/400$ дан ортмаслиги керак.

Ёпмаларга таъсир этувчи кучлар ёпмаларнинг конструктив турини танлашда асосий омил ҳисобланади. Энг оммавий ҳисобланадиган қаватлараро ёпмалар тури ичи қавакли плиталардир. Бу турдаги плиталар унификацияланган ва индустриал бўлиб, саноат фуқаро бинолари қаватлараро

ёпмаларининг асосий хили ҳисобланади. Қаватлараро ёпмаларнинг темир - бетон балкали тури ҳам кенг тарқалган. Сейсмомустаҳкам биноларнинг ёпма панеллари хона ўлчамида ясашиб, тўрттала қирраси билан деворга тиралиши лозим. Ёпма панеллар яхлит ёки ғовакли плиталардан тайёрланади. Ёндош ёпмалар ва деворлар билан боғланиши осон бўлганидан яхлит плиталар энг яхши конструкция ҳисобланади. Агарда ёпма алоҳида элементлардан ташкил топган бўлса, у ҳолда элементлар мустаҳкам бирикиб, сейсмик кучларни тақсим қилаоладиган, бикир горизонтал диск ҳосил қилиши керак. Бунинг учун панель чеккаларида ўйиқлар ва очиқ арматуралар қолдирилади. Арматуралар қўшни элемент арматуралари билан кавшарланади, сўнг ўйиқлар бетон билан қопланади. Натижада ҳосил бўлган шпонка туташ панелларнинг ўзаро силжишига ва узилишига қаршилиқ кўрсатади.

Кичик тикув цехи конструкцияларида темир бетон қаватлараро ёпмалар ишлатилган. Кичик тикув цехи планини конфигурацияси учун , икки хил яъни, йиғма ва монолит турдаги қаватлараро ёпма конструкциялари ишлатилган. Бу ҳолатда монолит қаватлараро ёпмалар бионинг фазовий қаттиқлигини таъминлайдиган элементлардир. Оралиғи 3 м гача бўлган масофалар қалинлиги 220 мм ли текис плиталар билан, 3 м дан катта бўлган масофалар эса асосий тўсинлар ва ёрдамчи тўсинлардан тузилган оддий плиталар билан ёпилади. Асосий тўсинлар оралиғидаги масофа 6000 мм, плиталар

қалинлиги 300 мм. Текис шипга эришиш учун махсус кронштейнларда гипсокартон листлар маҳкамланади.

Йиғма темир бетон қаватлараро ёпмалар ёндош биноларнинг темир - бетон каркаслари бўлган қисмларида ишлатилади. Улар заводларда тайёрланадиган тор узун ғовакли қаватлараро ёпмалар кўринишида бўлади ва бўйлама прогонларга зич қилиб таянтирилади. Плиталарнинг узунлиги 6000 мм, Кенглиги 1200 мм ва қалинлиги 300 мм дир. Плиталар деворларга 100 мм масофада таянтирилиб, қўшни плита ва деворлар билан анкерлар ёрдамида боғланади. Плита орасидаги чоклар цемент қоришмалари билан зичлаб тўлдирилади. Шип томондан юklar таъсиридан емирилмаслиги учун плитани деворга таянган жойидаги тешиклар 200 маркадан кичик бўлмаган бетон билан тўлдирилади.

ЗИНАЛАР

Зиналар хаммаси темирбетон ва тагига урнатиладиган устунлар темир бетондан булади. Зина (проступь)и 300,(подступь)и 150 (см)гатенг. Ушбу лойихада зиналар девордан маълум масофада урнатилган. Сабаби сейсмика хамда хавфсизликка риоя қилиши шарт.Алохида конструкция вазифасини утайди.

ЭШИКЛАР

Эшиклар буюртма килиб таёрланади. Хона эшиклари $H=2100\text{мм}$ эни 1400, кириш эшиги $H=2400\text{мм}$,эни 1800мм, ёрдамчи хоналар эшиклари $H=2100$ эни 910 мм

Бош тарз томонидаги эшиклар алюминий профилларидан қилиниб, ойналар солинган.

ТАШҚИ ВА ИЧКИ ПАРДОЗЛАШ

Цокол қатлами- мрамор бўлакчалари билан фактурали қатламдан иборат.

Деворлар -сувоқ қилинади, шпатлевкаланиб, яхшилаб бўялади. Дераза ва эшиклар алюминий қотишмалари профилларидан ясалган уз рангида буялмайди

Хоналар, йўлаклар, вестибюль қисмлари холлар, зиналар ва бошқалар шиплари мукаммаллаштирилган елимловчи таркиблар билан ишланади. Деворлар ва пардадеворлар ички сиртларига бўёқлар билан бўйалган. Сан узелларга керамик плиткалар қилинади. Коридорлар, вестибюль, холл деворлари мукаммаллаштирилган елимловчи таркиблар билан пардозланади. Устунлар ҳам худди деворлардек пардозланади.

МУҲАНДИСЛИК АСБОБ – УСКУНАЛАР

Кичик тикув цехи биноти ташқи тармоққа уланган водопровод

канализация билан таъминланган. Бундан ташқари тармоқга уланган иситгич (отопление) ва алоқа қурилмалари ўрнатилган. Бинодан сувни чиқариш ташқи умумлаштирилган. Иссиқ сув ташқи тармоқ йўлларига уланган бўлиб, сувнинг босими 10м. Бинода телевидения, кабелли ва спутник системалари, телефакс, алоқа системаси мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар.

Р.И.ТРЕПЕНЕНКОВ « Альбом чертежей конструкций и деталей

промышленных зданий» МОСКВА СТРОЙИЗДАТ 1980г.

Аскарлов Б.А., Маракаев Р.Ю. и др. «Реконструкция, модернизация, ремонт

зданий и оценка их экономической эффективности» Т.,ТАСИ, Учебное

пособие 2002 г.

СНиП Ш-4-80* «Техника безопасности». Москва 1980 г.

КМК 2.01.03.10-95 «Томлар ва том қопламалари». Тошкент 1995 г.

КМК 2.02.02-98 «Жамоат бинолари».

Р. Ю. Маракаев, М. Х Абдувасикова "Бино ва иншоотларни қайта қуриш

таъмирлаш" Ўқув қўлланма. Тошкент 2002 й.

КМК 2.01.03-96 «Зилзилавий ҳудудларда қурилиш.». Тошкент 1996 г.

КМК 2.01.07-96 «Юклар ва таъсирлар». Тошкент 1996 г.

КМК 2.07.01-94 «Шаҳарсозлик».

А.Ф. ЛИПЯВКИН, И.П.САВЧЕНКО 'Архитектура Городских Зданий и

Сооружений в высшая школа-1970г.

И. П. САВЧЕНКО , А.Ф. ЛИПЯВКИН, П.П. СЕРБИНОВИЧ " АРХИТЕКТУРА" Москва * высшая школа * 1982г